



Азиз ота-оналар, охиратда одамлар асосан ширк келтирганлари учун дўзахда абадий азобланади. Шунинг учун биз ширкнинг нима эканлигини билиб, ўзимиз хам, фарзандларимиз хам бу кечирилмас гунохи азимдан жуда эҳтиёт бўлишимиз лозим. Аллоҳга кўшиб бирор бир нарсага ибодат килишга; Аллоҳга бирор бир фаришта, пайгамбар, жин, авлиё, дараҳт ёки тош кабиларни шерик килишга ширк дейилади. Биз барча ибодатларимизни ёлгиз Аллоҳга килганимиздагина Ул зотнинг ризоси ва жаннатига эришамиз. Пайгамбар саллаллоҳу алайхи ва саллам айтадиларки: Кимда ким Аллоҳга бирор нарсани шерик килмасдан вафот этса, албатта жаннатга киради;. (Сахих).

1. Савол: Болажоним, ширк келтирган одамга нима дейилади ?

Жавоб: Ширк келтирган одамга мушрик дейилади.

2.

Савол: Болажоним, ширк келтирган одам жаннатга кира оладими?

Жавоб: Йўқ  
дадажон, мушриклар дўзахга ташланади.

3. Савол: Унда мушрикларни Аллоҳ кечирмайдими?



Жавоб: Ха дадажон, Аллох хар кандай гунохни хохлаган бандасидан кечиради, аммо ширкни кечирмайди.

4. Савол: Болажоним, унда ширкдан жуда эхтиёт бўлишимиз керак экан-да?

Жавоб: Ха дадажон, мушрик бўлиб колмасликни Аллоҳдан сўраб туришимиз керак.

5. Савол: Кандай килиб сўраймиз?

Жавоб: Айтамизки: Аллоҳумма инний аъувзу бика ан ушрика бика шайъан ва ана аъламу ва астагфирука лима ла аъламу.

Барака топ болажоним.